

Сиёсатчи исломофоб партиядан чиқарилади



08:30 / 20.12.2018 1822

Германиянинг социал-демократик партияси Германия ва Европанинг исломлашиб кетаётганлиги хавфи ҳақидаги нашрлари билан машҳур бўлган сиёсатчи ва ёзувчи Тило Саррацинни ўз сафидан чиқармоқчи. Унинг айнан мана шу нашрлари партиядо махсус комиссия тузилиб, таҳлил қилинишига ва мана шундай қарорга келинишига сабаб бўлди.

Партиянинг бош котиби Ларс Клингбайл Саррациннинг қарашлари Социал-демократик партиянинг тамойил ва вазифаларига умуман тўғри келмаслиги ва бу партиянинг обрў-эътиборига “сезиларли талафот етказишини” таъкидлади.

Тило Саррацин охириги бир неча йил мобайнида оммавий миграция ва мамлакатнинг исломлашишига қарши бўлган бир қатор китоблар чоп этган. У 2010 йилда “Германия. Ўз-ўзини тугатиш” китоби сабабли Федерал банк директорлар кенгашини тарк этган эди.

Islom.uz портали таҳририяти